


НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА ТИЛ НОРМАСИГА ОИД ТЕРМИН ВА ТУШУНЧАЛАР ТАЛҚИНИ



Тилшунос А.Маматовнинг “Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи” қўлланмаси (Тошкент, 2014) профессор Б.Тўхлиев муҳаррирлигида “Bayoz” нашриёти томонидан чоп этилди. Мазкур қўлланма нутқ маданияти ва лингвистика масалалари бўйича атамаларнинг системали бўлиши ва мутахассисларнинг фойдаланиши учун қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланган бугунги кунда нутқ ва нутқ маданияти масалалари ҳар доимгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Чунки нутқ одоби жамият маданий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгиси саналади. Луғат бойлигимиздаги лексик бирликлар халқ миллий маданияти ва анъаналарининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатувчи манбадир.

Нутқни тингловчиларга жонли ва ифодали етказиш, фикрни аниқ ва рагон ифодалаш учун сўзлардан ўринли фойдаланиш зарур. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодавийлиги, мақсадга мувофиқлиги, таъсирчанлиги ниҳоятда муҳим хусусиятлар саналади.

Нутқ маданияти асослари фани ўзбек тилшунослигининг назарий билимларига таянган ҳолда тўғри нутқ тузиш кўникмаларини ўргатади. Шунингдек, бу фан тилнинг лексикология, семасиология, услубшунослик ҳамда фразеология соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. У адабий тил нормаларини ўрганади.

Бугунги кунда фан ва техника тараққиёти натижасида, тил ривожланишининг умумий қонуниятлари асосида ўзбек тили луғатига янги лексик бирликлар, терминлар келиб қўшилмоқда ёки аввалдан мавжуд бўлган баъзи атамалар қайта номланиб, семантик усулда янги терминларни ҳосил қилмоқда. Бу бошқа фанлар қатори тилшунослик фанининг ривожланиши ва кенгайишига олиб келмоқда.

“Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи” қўлланмасида жами 200дан ортиқ атамаларнинг изоҳи берилган. *Нутқ маданияти, нутқ маданияти тушунчасининг муҳим томонлари, нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти, нутқ маданиятининг психологик аспекти, нутқ хулқи, сўзлаш хулқини характерловчи белгилар, нутқ танқиди, нутқ шакллари, нутқ одоби, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг*

тозалиги, нутқнинг таъсирчанлиги, оғзаки нутқ нормаси, сўз санъати, риторика каби нутқ маданиятига оид терминларнинг тавсифи ёритилган. *Архаизм, ассимиляция, вульгаризм, диалектизм, жаргон, диссимиляция, инверсия, метатеза, неологизм, орфография, орфоэпия, пунктуация, пароним, синкопа, тавтология, эллипсис, элизия, эвфемизм* каби лисоний терминларга изоҳ берилган. Масалан:

1. *Нутқ маданияти тушунчасининг муҳим томонлари* – булар қуйидагилар: а) тилни, яъни тўғри сўзлашни ҳис қила олиш; б) аниқ, равшан ва ифодали нутқ тузишнинг мезон ва усуллари эгаллаш; в) эгаллаган лисоний билимларни кундалик оғзаки ва ёзма нутқда қўллай олиш; г) ўзгаларнинг (суҳбатдошнинг) нутқини нозик дид билан тушуна олиш қобилиятини шакллантириш.

2. *Нутқ шакллари* – нутқ шакллари иккига бўлинади: 1) Нутқнинг ташқи ифода воситаларига кўра фарқланувчи турлари: оғзаки нутқ ва ёзма нутқ. 2) Нутқнинг адабий тил нормаларига амал қилиш даражаси билан фарқланувчи турлари: китобий нутқ ва сўзлашув нутқи.

3. *Юқори маданий нутқ* – сўзловчи ёки ёзувчи фикрларининг, сезги ва ҳиссиётларининг эшитувчи ёки ўқувчига тўла етиб бориши учун тилнинг қудратли ифодавий воситаларидан унумли фойдаланилган нутқ.

4. *Риторика* – нотиклик, воизлик санъати назарияси.

5. *Сўз санъати* – нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилган ҳолда чиройли, яхши гапириш ва ёзиш санъатидир.

6. *Тавтология* – адабий нормага зид ҳодиса бўлиб, бир мазмунни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча ифодалаш, сўзни ортиқча ишлатиш.

7. *Ортология ёки орфология* – тилшуносликнинг муҳим соҳаси бўлиб, “тўғри” нутқ ҳақидаги таълимот, унинг асосий категорияси. У тилнинг ривожланиш тенденциялари нуқтаи назардан баҳоланади ва тушунилади.

Атамаларни изоҳлашда ўзбек, туркий, рус ва хорижий тилшуносликда мавжуд бўлган илмий мақолалар, рисоалар ва ўқув қўлланмаларида берилган таърифлардан фойдаланилган, баъзи атамалар муаллиф томонидан изоҳланган. Терминлар алифбо тартибида жойлаштирилган ва айримларининг русча таржимаси қавс ичида берилган.

Тилшунослик терминларининг тавсифи мисоллар орқали кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртларининг журналистика ва филология факультетлари талабалари, соҳа мутахассисларига мўлжалланган. Унинг асосий вазифаси — фойдаланувчиларнинг нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчаларнинг изоҳини пухта ўзлаштиришларини таъминлашдир.